



# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 71 (11.632)

Баҳоси эркин нарҳда

**Аввал хабар қилинганидек, Тошкентда 12 апрель куни «Инқирозга қарши чоралар дастурларининг самарадорлиги ва инқироздан кейинги ривожланишнинг устувор йўналишлари (Ўзбекистон мисолида)» мавзuida халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Унда ўнлаб мамлакатлардан тўрт юздан зиёд давлат ва жамоат арбоблари, бизнесменлар, дипломатлар, олим ва экспертлар, нуфузли халқаро молия ташкилотларининг вакиллари иштирок этди. ЎЗА мухбирлари анжуман қатнашчилари билан суҳбатда бўлди.**

## СЎЗ — КОНФЕРЕНЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

**Ольга ПАВУК, «The Baltic Course» интернет-журнали бош муҳаррири, иқтисодий фанлари доктори (Латвия):**

— Ўзбекистонга илк бор келишим. Мамлакатингиздаги тинчлик ва барқарорликка астойдил ҳавасим келди. Тошкент ва Самарқандда одамлар билан яқиндан мулоқотда бўлдим. Улар ўз турмушидан, яшаётган шароитидан мамнун.

Глобал молиявий инқироз Ўзбекистондаги ислохотларнинг асосли ва ҳаётий эканини яна бир қарра исбот қилди. Жумладан, мамлакатингиз раҳбарининг давлат бош ислорчи ҳолати нечоғли тўғрилиги гувоҳ бўлиб турибмиз.

Иқтисодий инқироз шароитида кўплаб мамлакатларда солиқлар қиймати ошиб бораётган. Ўзбекистонда эса солиқ юкни енгиллаштириш, солиққа тортиш тизимини соддалаштириш борасида катта ишлар олиб борилмоқда. Бу бутун дунёда иқтисодий кийинчилик даври ҳум сураётган бир пайтда мамлакатингиз давол, эркин ва муваффақиятли иш юритиш учун мустаҳкам замин бўлмоқда.

**Ким ЮН СУК, «Корея — Ўзбекистон» дўстлик жамияти раиси (Корея Республикаси):**

— Пухта ўйланган иқтисодий сиёсат тўғрисида бугун Ўзбекистон глобал инқироз таъсиридан етарли даражада ҳимояланган. Айтиш жоизки, мамлакатингизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка жалб қилинаётган чет эл инвестициялари ҳажми охиб бормоқда. Соҳани ривожлантириш учун барча имкониятлар яратилган. Тадбиркорларнинг фаолияти кўллаб-қувватланиб, эркин ва фаол иш юритиши учун зарур шароит ҳозирланган. Буларнинг барчаси юртингизда иқтисодий эркинлаштиришга қаратилган чора-тадбирлар самарадорлигининг амалдаги ифодасидир.

Ўзбекистоннинг молиявий кийинчиликларни енгиб ўтиш, инсон ман-

фаатларини ҳимоя қилиш ва аҳоли фаровонлигини янада оширишга қаратилган Инқирозга қарши чоралар дастури бошқа давлатлар учун ҳам муҳим ва фойдали кўлланма бўлиб хизмат қилишига ишонаман. Ушбу дастур халқаро экспертлар томонидан юксак баҳоланаётгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

**Наталья БЕРЕЗАНСКАЯ, Москва давлат университети доценти:**

— Конференция мавзунининг долзарблиги билан дунёнинг барча мамлакатларида катта қизиқиш уйғотди. Анжуманда иштирок этиб, ўзим учун кўплаб керакли ва фойдали маълумотлар олдим. Давлатингиз раҳбари Ислам Каримов узққни кўлаб юритаётган оқилона сиёсат тўғрисида Ўзбекистон барча соҳаларда изчил тараққий этмоқда.

Ўзбекистоннинг Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури мукамаллиги билан ажралиб туради. Пойтахтингиздаги кўплаб лицей ва коллежлар фаолияти билан танишиб, таълим соҳасига кўрсатилаётган гамҳўрлик ва юксак эътибор самараларига гувоҳ бўлдим. Яна шунга ишонч ҳосил қилдимки, Ўзбекистон ёшларининг интеллектуал салоҳияти жуда кучли. Бу ҳам юртингизда таълим соҳасида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоротлар натижасидир. Таҳсил олиш учун барча зарур шарт-шароитга эга интилувчан ва изланувчан Ўзбекистонлик ёшларга ҳавас қилса арзийди.

**Рокко АБРАМ, «Италия — Ўзбекистон» уюшмаси раиси (Италия):**

— Мен тадбиркорман. Бизнес соҳасида таълим ҳам бераман. Анжуманда Ўзбекистоннинг Инқирозга қарши чоралар дастури самаралари билан танишдик. Уларнинг аниқ далили ва рақамлар билан баён этилгани анжуман иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Президент Ислам Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилган акцилинқироз дастури пишиқ-

пухталлиги ва ҳаётлиги билан жаҳон ҳамжамиятини янада ошириши тортиди. Ушбу дастур бошқа мамлакатлардаги иқтисодий ислоротларда ҳам қўл келиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартаф этишининг йўллари ва чоралари» китоби ва бошқа асарларини ўқиб, ўзим учун зарур ва фойдали маълумотларга эга бўлдим. Бозор иқтисодиётига ўтиш бўйича давлатингиз раҳбари илгари сурган тамойилларининг барчаси ҳаётда ўз ишқисини топиб, катта самаралар бераётганига бугун барчамиз гувоҳ бўлиб турибмиз.

**Магди ЗАЪБАЛ, Миср Миллий тадбиркорлик маркази профессори:**

— «Инқирозга қарши чоралар дастурларининг самарадорлиги ва инқироздан кейинги ривожланишнинг устувор йўналишлари (Ўзбекистон мисолида)» мавзuidaги халқаро илмий-амалий конференцияда кўриб чиқилган масалалар дунёнинг бошқа мамлакатлари учун ҳам жуда муҳимдир. Чунки халқаро молиявий-иқтисодий бўҳрон «бозор ҳамма нарсани ҳал қилади», деган ақидага берилган мамлакатларнинг сиёсати нотўғри эканлигини очиб ташлади.

Дунёдаги нуфузли банклар ва корпорациялар хонавайрон бўлаётган бир шароитда Ўзбекистондаги молиявий муассасалар барқарор ривожланмоқда. Бунда мамлакатингиз банк тизими пухта ва тўғри ишлаб чиқилгани ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда. Буни мен анжумандаги маърузамда ҳам алоҳида қайд этдим.

Ўзбекистон иқтисодиёти жадал юксалиб, улкан муваффақиятларга эришмоқда. 2009 йилда — глобал молиявий-иқтисодий бўҳрон даврида ялғи ички махсулот ўсиши 8,1 фоизни ташкил этгани кўлга киритилаётган бундай ютуқларнинг ёрқин намуналаридандир. (Давоми 2-бетда).

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Тадбиркорлик

## СИФАТ — БОШ МЕЗОН

**Қутлуғ Наврўз айёмини ўзига хос ютуқлар билан кутиб олганлар орасида пойтахтимиз иқтисодиёти ривожига муносиб ҳисса қўшаётган, замонавий бино ва иншоотлар кўркини оширишда бунёдкорларга энг яқин мададкор бўлаётган «Rezalit color» масулияти чекланган жамиятини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим.**

Тадбиркорларнинг яқинда Президент соврини учун ўтказилган «Ташаббус — 2010» кўрик-танловининг пойтахт босқичида биринчи ўринни кўлга киритиб, «Йилнинг энг яқши тадбиркори» номига сазовор бўлгани, фикримиз исботидир.

Шу ўринда, албатта, корхона фаолияти, эришаётган ютуқлари, бу борадаги изланишлар, келгуси режалар ҳақида тўхталिश жоиз. Корхонанинг иш бошлаганига эндигина икки йил бўлсада, мана шу қисқа давр мобайнида махсулот турлари ортиб, сифати яхшиланди. Энг асосийси бунёдкорликнинг пардозлаш йўналишида, беэақ беришда кўлланиладиган лок-бўёқ махсулотларининг импорт ўрнини босиши ва ички бозорда харидорлари сафи ортиб бораётганидир. Бунинг учун Туркия, Германия, Эрон сингари давлатлардан келтириб ўрнатилган дастгоҳ ва ускуналар қувватидан самарали фойдаланилмоқда.

— Мамлакатимизда кичик ва хусусий бизнес равнақида қаратилган ҳар томонлама эътибор ривожланишида муҳим омили бўлмоқда, — дейди корхона директори Авазбек Каримов. — Бизнинг илғор технологиялар асосида тайёрлаётган махсулотларимиз шаҳримиз ва республика-миз вилоятларида қад ростлаётган муҳташам бинолар, салобатли иншоотлар кўркини ошираётганидан беҳад фахрланамиз. Шу боис ҳам тинмай изланган ҳолда бугунги кун талабига мос лок-бўёқлар турларини кўпайтириб бораёلمиз, ҳам ички, ҳам ташқи бозорни бирдай ўрганишга, ходимларимиз малакасини оширишга интиламиз. Ўтган йил хусусида тўхталадиган бўлсак, пойтахтимизга кўрк бағишлаган «Ўзбекистон» халқаро тантаналар саройининг пардозлаш иш-

лари учун бир ойда 600 тонна махсулот тайёрлаб етказиб беришга муваффақ бўлдик. 2009 йил давомида 1,4 миллиард сўмлик махсулот ишлаб чиқардик ва уларни қадоқлашга ҳам алоҳида эътибор қаратаёلمиз.

Корхона асосан қурилиш ташкилотлари билан ҳамкорликни йўлга қўйган. Буюртмани тайёрлашда, албатта харидор талаби инобатга олинади. Жорий йилда қишлоқларда бунёд этилаётган замонавий турар жой бинолари қурилишига муносиб ҳисса қўшишни ният қилган тадбиркорлар биринчи чоракнинг ўзида 1,1 миллиард сўмлик махсулот тайёрлаш учун шартномага эга бўлишди. Йил охиригача ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилгидан бир неча баробарга ортиши кўзда тутилган.

Президентимиз 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида жорий йилда мамлакатимизда 950 мингдан ортиқ янги иш ўрни ташкил этилиши мўлжалланаётганини алоҳида таъкидлади. Бу ишга муносиб ҳисса қўшишга бел боғлаган корхона мутасаддилари 60 нафар йигит-қизга янги иш ўринлари яратишни кўзда тутишган. Бунинг учун Туркия давлатидан янги технологик линиялар келтирилиб цехларга ўрнатилди ва уларнинг унумли ишлаши ташкил этилди. Келгусида «Pezalit» савдо белгиси билан ишлаб чиқарилаётган товарлар экспорти ҳам йўлга қўйилди.

**Шарифа ИЛЁСОВА**  
СУРАТДА: корхонанинг лок-бўёқ махсулотлари сифати билан ажралиб туради.

Ҳақимжон Солиқов олган сурат

## ҚИСКА САТРАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **ТОШКЕНТ** Молия институтида «Камолот» ЁИХ шаҳар бўлими ташаббуси билан талабалар, ўқитувчилар, ҳаракат фаоллари иштирокида уюштирилган ўқув семинари «Оғусиз — ҳаёт сари» деб номланди.

✓ **ТОШКЕНТ** Давлат техника университетидида «Аждодларимиз меросига муносиб ворис бўлайлик» мавзусида устоз ва талабалар иштирокида давра суҳбати уюштирилди.

✓ **КЕЧА** «Тошкент йўловчи вагонларни куриш ва таъмирлаш заводи» очик акциядорлик жамиятида Маънавият тарғибот марказининг Яккасарой тумани бўлими ҳам-

корлигида уюштирилган давра суҳбати аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ёшлар орасида гиёвандликка қарши кураш масалаларига бағишланди.

## МАМЛАКАТИМИЗДА

● Тошкентда Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ташкил этилган «Республика худудий босма оммавий ахборот воситаларида фаолият юритаётган ёш журналистларнинг марказий нашрларда малака ошириши» лойиҳаси бошланди.

● Бухорода Республика Байналмилал миллий-маданий маркази, «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси ҳамда вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан «Биз—шу Ватан фарзандларимиз!» мавзuida анжуман ўтказилди. «Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида ташкил этилган мазкур тадбирда миллатлараро дўстлик ва бағрикенглик гоёларини янада мустаҳкам қарор топтириш ҳақида сўз борди.

● Паркент тумани «Салоҳиятли ёшлар» ўқув марказида Тошкент вилояти ҳокимлиги, «Камолот» ЁИХ вилоят бўлими, ўрта махсус касб-хуна ва халқ таълими бошқармалари ҳамкорлигида «Қадрият, урф-одат, анъана ва ёшлар» мавзусида кўрик-танлов бўлиб ўтди.

● Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтида аёлларнинг сиёсатдаги ўрнига бағишланган семинар-тренинг ўтказилди.

● «Интерконтиненталь — Тошкент» меҳмонхона мажмуасида учинчи Халқаро Тошкент суғурта форуми бўлиб ўтди. Унда 20 га яқин хорижий мамлакат суғурта соҳасининг 200 га яқин менежер ва эксперт, вазирлик ҳамда идоралар, банклар, инвестиция ва аудиторлик компаниялари раҳбарлари иштирок этди. Форумнинг иккинчи кунида «Олтин соябон» мукофоти совриндорларини тақдирлаш маросими ўтказилди.

● Шаҳрихондаги Сарой қишлоғида Германиянинг замонавий асбоб-ускуналари билан жиҳозланган янги корхона тўла қувватда ишлаб боради. Бу ерда нон-булочка махсулотларидан ташқари 20 турдаги қандолат махсулотлари ҳам тайёрланмоқда. Кичик корхонанинг фаолият бошлаши билан қишлоқ аҳолисининг 30 нафари муқим иш ўрнига эга бўлди.

● Пахтачи туманида ҳар бири уч-тўрт хонали 20 та кўркам, шинам, барча қулайликларга эга бўлган турар жой масканлари фойдаланишга топширилди. Ушбу уй-жойларни харид қилиш учун «Қишлоққурилишбанк» томонидан ёш оилаларга 25 фоизли имтиёзли кредит маблағи ажратилган. Самарқанд вилоятида йил охиригача яна 650 хонадонли уй-жойлар қурилиши режалаштирилган.

## ЖАҲОНДА

● Бугун Вашингтонда икки кун давом этган ядро хавфсизлиги бўйича халқаро саммит якунланди. Анжуман қатнашчилари ядро материалларини кўриқлашни янада кучайтиришга қаратилган яқуний декларацияни қабул қилдилар.

● Кеча Миср пойтахти Қоҳира шаҳри марказида муҳолифатчилар ва полиция ўртасида рўй берган тўқнашув чоғида 14 киши жабрланди, 10 киши ҳибсга олинди. Намойишга чиққан турли соҳа ва партиялар вакилларида иборат муҳолифатчилар мамлакатни 28 йилдан буён бошқариб келаётган президент Х.Мубаракнинг истеъфога чиқишини талаб қилмоқдалар.

● Болгария маъмурларининг айтишларича, ушбу мамлакат 2010 йилда евроҳудудга киришининг босқичларидан бири бўлган еврони алмаштириш механизми — ЕРМ-2 га киришга буюртма бера олмайди. Бунинг асосий сабаби ҳукуматнинг бюджетдаги камомадни назорат қила олмаётганидир.

● Бразилиянинг Рио-де-Жанейро штатида тинимсиз ёққан кучли ёмғирлар 224 кишининг ҳаётига зомин бўлди. Зеро, ўтган ўн йилдаги энг кучли ёмғир ер кўчиши ва тошқинларига сабаб бўлган. Шу муносабат билан Рио-де-Жанейро шаҳрида фавқулодда ҳолат эълон қилинган. Ҳозирда шаҳардан 2000 та оилани хавфсиз жойларга кўчириш мўлжалланмоқда.

● Испанияда Рихтер шкаласи бўйича 6,2 балли зилзила рўй берди. Зилзила маркази мамлакат жанубида, Гранададан тахминан 24 километр узоқликда бўлиб ҳозирча қурбонлар ва вайронагарчиликлар ҳақида маълумот йўқ.

«Хар қайси инсон ниманики ўз олдига мақсад қилиб қўйган бўлмасин, қандай буюқ ишларни амалга оширишга интилмасин, барча ҳаракатлари негизда фарзандларимизни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажагини кўриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш орзуси туради».

Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбарининг ушбу сўзлари ҳаётимизнинг маъно-мазмуни фарзандларимиз билан боғлиқ эканлигини аниқлатади. Бунга кўп мисоллар келтириш ўринли бўлсада, айниқса «Мутахассислик — сенинг келажагинг» шиори остида икки кун давом этган касб ва ҳунарлар намойишида яна бир бор ёрқин ифодасини топди, десак адашмаймиз. Унинг иштирокчилари — тўққизинчи синф битирувчилари яна бироз вақт ўтган мактаб остонасини тарқ этиб, янги бир дунё — касблар оламига қадам бошичи, ўз хоши-интилишлари бўйича бирон-бир мутахассисликни танлаши, демек, ўз келажагини ҳам белгилаб олиши лозим бўлади. Кўргазма давомидида эса бу борада уларга тенгқурлари — бевосита лицей ва коллежлар ўқувчилари кўмак беришга астойдил ҳаракат қилишди.

— Ким бўлсам экан? Қандай касбни танлай? Хар бир инсон ўз ҳаётида шу каби саволлар кўндаланг бўлиб турадиган лаҳзаларни бошидан кечирилади, уларга жавоб топиш эса осон эмас, — дейди вояга етмаганлар ишлари бўйича шаҳар комиссиясининг масъул котиби Мадам Рахимов. — 15-16 ёш — улғайишнинг энг мураккаб ўтиш даври ҳисобланади. Усмирлар учун бўлажак касбини мустақил танлаш масаласини қийин бир жараён деб биламан. Шу боис ҳам кўпчилик ўғил-қизларимизнинг у ёки бу касбни танлашда бир тўхтама келиши, аниқ фикр билдириши мураккаб кечеди. Албатта, бу борада болажонларимизнинг қандай шароитда тарбияланаётганига ҳам кўп нарса боғлиқ. Шундай оилалар борки, фарзандининг ким бўлиши ёшлигиданоқ маълум. Гап сулолалар ҳақида. Ҳунарманд, мусиқачи, спортчи — оилада анъанавий бўлиб қолган шу каби касблар давомчилиги бўлиши болаликдан сингдириб борилади. Аммо бундай оилалар кўп эмас. Бу борада фарзандларимизга мактаб асосий кўмақдошдир. Кейинги йилларда касбга йўналтириш борасида мактаб давриданок янги анъаналар жорий этилди. Улар босқичма-босқич бошланғич таълимдан сўнг амалга оширилади ва ўсмирнинг у ёки бу касбга бўлган кўникмасини шакллантиришга хизмат қилади. Тўгарак машгулотлари ҳам касб танлашда ўзига ҳос пойдевор ҳисобланади... Қанчалик болаларнинг қизиқиши соғлом бўлса, уларнинг янги-янги билим ва кўникма орттиришга ихлос ва интилишлари шунчалик яққол намоён бўлиб бораверади. Биз, катталарга яхши маълумки, шахс сифатида шаклланиб бораётган ўғил-қизларимизда ҳамма нарсани ўзида синая қўриш ҳисси кучли бўлади. Тўғри йўналтириш масаласи эса бугунги кунда нафақат ота-оналарнинг, балки бутун жамиятнинг вазифасидир. Таълим муассасалари, ҳуқуқ-тартибот органлари, жамоат ташкилотлари раҳбарларидан иборат вояга етмаганлар комиссиясининг мақсад ва вазифалари ўсмирларнинг манфаатини ҳимоя қилган ҳолда, уларни мустақил ҳаётга жисмонан соғлом ва маънан етук бўлиб қадам қўйиши учун барча имкониятларни ишга солишдан иборатдир. «Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида жорий этилган «Мутахассислик — сенинг келажагинг» янги лойиҳаси шаҳар прокуратураси, Халқ таълими бош бошқармаси ва Ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган бўлиб, унинг амалдаги ифодаси фарзандларимизга касб танлашда муҳим бир омил бўлади деган умиддамиз. Ўғил-қизларимизга танлаган касб ва ҳунарлари сир-асрорларини ўрганишда омад ёр бўлишини тилаб қоламиз.

Таъкидлаш жоизки, янги лойиҳанинг фарқи жиҳатлари шундаки, ташкилотчилар барча академик лицей ва касб-хунар коллежлари имкониятларини мактаб битирувчиларига кенгроқ намойиш этиш учун бирданги 118 та ўрта махсус ўқув юртини бир манзил бўйича жамлашга эришишди.

— Касбга йўналтириш ишлари, юқорида қайд этилганидек, турли шаклда олиб борилади, — дейди шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи Наргиза Раҳмонқуллова. — Жорий йил бошидан мактабларда босқичма-босқич ушбу йўналишларда кўплаб тадбирлар ўтказилди. Жумладан, «Мен орзу қилган касб» мавзусида иншолар танлови ўтказилди, ота-оналар йиғилишлари пайтида фарзандларининг бўлажак касбига оид сўровномалар уюштирилди. Бир ҳафта давом этган анъанавий «Очқ» эшиқлар кунинида ўрта махсус таълим муассасалари томонидан мактабларда тартибот ишлари олиб борилади. Ўз навбатида, деярли бир ой давом этган «Касблар фестивали» доирасида мактаб битирувчилари ота-оналари ва устозлари билан кўплаб коллеж ва лицейлар билан бевосита танишишга муваффақ бўлишди. Аммо очигина айтиш керакики, барча коллеж ва лицейларнинг ўқув ва амалиёт дастурлари билан ақиндан танишиш имконияти ҳар доим ҳам бўлавермайди. Бу борада ташкилотчилар бир йўла мана шундай тадбирни ташкил этишининг уқдасидан чиқди ва уларнинг саъй-ҳаракатлари албатта ўз самарасини беради. Ўғил-қизларимизнинг хурсандчилиги, ота-оналарнинг миннатдорчилик сўзлари бунинг исботидир.

Касблар кўргазма-марафонлари, ёш мутахассислар учун иш ўринлари ярмаркалари, тўгараклар имкониятлари намойишлари — буларнинг бари, шубҳасиз, ўсиб келаётган авлоднинг ҳар томонлама ривож топишига қаратилаётган давлат сиё-

сати даражасидаги гамхўрликнинг бир даражасидир. Юртбошимиз ташаббуси билан 12 йил аввал татбиқ этила бошланган Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ва унинг таркибий қисми бўлган Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умум-миллий дастури мамлакатимизнинг ижтимоий ҳаётида тур маънода туб бурилиш ыасади. Бу дастурлар доирасида юртимизда минг-минглаб лицей, коллеж ва мактаблар қуриш, уларни реконструкция қилиш, энг юксак талаблар асосида жиҳозлашдек кенг кўламли вазифалар белгиланганида, бу ишларнинг қандай улкан, айтиш мумкинки, бекиёс мақсадлар-

ишлаб чиқилгани ва амалга оширилганлиги ётибди. Бу йили тўққизинчи синфни биргина пойтахтимизда 39 мингга яқин ўғил-қизларимиз тугатади. Фарзандларимизни лицей ва коллежларга кузатар эканмиз, устозларимиз улар билан боғлиқ ришталарнинг бир сонияга ҳам узилмастлигини ёдда тутишлари зарур. Мактаб ўқитувчиси ота-она қаторида илм-тарбия бериб, вояга етказган ўқувчисига мустаҳкам оёққа тургунга қадар жавобгардир...

Ўрта махсус, касб-хунар бошқармасида олтинган маълумотларга кўра, барча жабҳаларни қамраган ҳолда 360 мингдан



Янги ижтимоий лойиҳалар

### ТАНЛАГАН КАСБИНГ — СЕНИНГ КЕЛАЖАГИНГДИР



ни кўзда тутишни камдан-кам одам тасаввур қила оларди. Таълим-тарбия дастурларининг бозор иқтисодиёти шароитига ўтишининг энг қийин бери даврида амалга оширилганлигининг ўзи ҳам бу борадаги жараёнлар осон кечмаганидан далолат беради. Бугун мамнуятини билан шуни айтиб ўтиш жоизки, давлатимиз раҳбарининг оқилона ва узоқни кўзлаб юритган сиёсати туфайли ушбу дастурларнинг ҳаётга изчил ва ўз вақтида татбиқ этилишига эришилди ва бу ўз самарасини ҳам бермоқда. Таълимнинг мутлақо янги ўрта бўғини жорий этилиб, ўғил-қизларимиз вояга етувнга қадар ўрта маълумот билан бирга у ёки бу касб кўникмасига эга бўлмоқда, илм асосларини ҳам ўрганишга эришаётирлар. Кейинги йиллар давомида лицей ва коллежлари 1,4 миллиондан зиёд фарзандларимиз битириб, бугунги кунда ишлаб чиқариш, бошқарув ва ижтимоий соҳаларда, барча жабҳаларда меҳнат қилаётгани бизнинг, Президентимиз таъкидлаб ўтганидек, шу йўлда эришган энг катта ютуғимиздир.

— Орта назар ташлаб, ўйлаб кўридан бўлсак, бундан ўн-ўн беш йил олдин мактабларимиз, умуман таълим муассасаларимиз қай аҳволда эди, — фикрини давом эттиради Н. Раҳмонқуллова. — Уша пайта уларнинг бугунгидек энг замонавий ўқув-лаборатория ускуналари, компьютер техникаси, дарсликлар ва ўқув-устулубий воситалар билан жиҳозланганини, спорт инфратузилмасига эга бўлишини, мактаб ҳаётига интернет тизимининг кенг кириб боришини ҳаттоки фараз ҳам қила олмадик. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтмоқ лозимки, ҳозирда қишлоқ мактаблари шаҳар, қолаверса, пойтахт мактабларидан ҳеч фарқ қилмайдиган даражада таъмирланиб, жиҳозланган. Кейинги давр мубайнида 1957 та мактаб қурилган бўлса, шулардан 1622 тасининг айнан қишлоқ жойларда экани диққатга сазовордир. Пойтахтимизда эса 311 та мактаб қайта таъмирланиб, ўндан ортиги янгидан қурилди. Бундан ташқари, махсус мактаблар, Меҳрибонлик уйлари ҳам замонавий қиёфага эга бўлди. Эндиликда мусиқа мактабларининг моддий-техник негизини тақомиллаштиришга оид 2014 йилгача мўлжалланган дастур ижроси йўлида саъй-ҳаракатлар боришиди. Ҳақиқатан ҳам, қандай ютуқларга эришган бўлсак, бунинг замирида авваламбор давлатимиз раҳбари томонидан таълим соҳасидаги дастурларнинг ўз вақтида, узоқни кўзлаб

зиёд мутахассисликлар мавжуд. Шаҳримиздаги 80 та касб-хунар коллежидида саккизта йўналиш бўйича 180 га яқин мутахассислар тайёрланади, 38 та академик лицейда эса бешта йўналиш бўйича илм-фан асослари ўргатилади. Бугунги кунда ушбу ўрта махсус таълим муассасаларида 150 мингга яқин ўғил-қизларимиз тахсил олмоқда. Шулардан деярли учдан бир қисми бу йилги битирувчилардир. Уларнинг ишга жойлашгани, олий ўқув юртидаги ўқишини давом эттириши, — яна бир долзарб масала ҳисобланади. Мутахассисларнинг фирмага қараганда, бу борада тизим яратилган бўлиб, изчиллик билан жорий этиб келинмоқда. Хусусан, 15 апрелга қадар иш бевуричи, битирувчи ва коллеж ўртасида уч томонлама шартнома тузиш жараёни яқунланади. Бу эса ҳар бир ёш мутахассис учун танлаган касби бўйича доимий иш ўрнига эга бўлишида қафолатдир.

— Ўз навбатида, уларнинг ўрнини навоҳидаги тўққизинчи синф битирувчилари эгаллайди, — таъкидлаб ўтди Ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармаси бошлиғи Фарруҳ Иноятов. — Мониторинг натижалари шуни кўрсатмоқдаки, кейинги учтўрт йил ичидида ўсмир ёшларимизнинг қурилиш соҳаси мутахассислигига қизиқиши тобора ортиб бормоқда, техник йўналишдаги коллежларга киришни хоҳловчилар ҳам кўп. Тақлиф ва талабни ўрганган ҳолда ўрта махсус ўқув юртида ҳам логопедия, ландшафт дизайни бўлимилари очилди, шунингдек, республикамизда биринчи телевидение ва радио итхтисослиги бўйича коллеж фойдаланишга топширилди. Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, 12 йиллик узлуксиз таълимнинг «ўзбек модели» жаҳон ҳамжамиятида эътироф этилиши билан бирга, бу борада тажриба алмасуви ҳам амалда ўз ифодасини топмоқда. Чунончи, Халқаро Вестминстер университетининг филиали қошида академик лицей очилгани ҳам фикримиз далилидир. Янги ўқув йилида Турин политика университети ҳам ўрта бундаги таълим муассасасини очиниши ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Касблар кўргазмасида мазкур ўқув юртилари лойиҳалари ҳам намойиш этилди.

Ўрни келганда, шуни таъкидлаш жоизки, ўрта махсус ўқув юртиларига қабул мажбурий, бироқ агарда талаб юқори бўлса, тест синовлари жорий этилади. Жумладан, Халқаро Вестминстер университети қошидаги академик лицей бундан, албат-

та, мустақно эмас. — Авваламбор ўқиш жараёни бепул эканлигини таъкидлаб ўтмоқчиман, чунки кўпчилик ақсинча фикр юритади, — деди биринчи босқич ўқувчиси Аделина Қой. — Мен тахсил олаётган халқаро тифадаги академик лицей Марказий Осиёда ягона ҳисобланади. Ўтган ўқув йилида 900 та ҳужжат топширилган бўлса, 180 та ўқувчи қабул қилинди. Демокчиманки, танлов бу йили ҳам катта бўлиши турган гап. Иمتихонлар эса инглиз, математика фанларидан бўлиб ўтади, эркин мавзуда иншо топширилади. Ўқиш жараёни қайси бир фандан бўлмасин, тўлиқ инглиз тилида олиб борилади. Бу ердаги спорт мажмуаси, фитнес тўгараклари доимо биз, ёшлар иштирилади. Бошқа лицейлардан фарқли равишда ўқини тугатганлар Вестминстер университетининг иккинчи босқичига қабул қилинади. Лицейда ўқиш қизиқ, шу билан бирга унинг мураккаб томонлари ҳам бор. Лекин ҳар бир иш, демакки, вазифалар ҳам вақтида бажарилса, ҳар қандай қийинчиликини енгиб ўтиш мумкин. Тенгдошларимга ҳеч қачон ўқишдан чарчамасликларини тавсия этиб қоламан.

Дарвоқе, кўргазма давомида касб-хунар коллежлари ва академик лицейларнинг имкониятлари бевосита ўқувчилар томонидан намойиш этилгани кўпчилигининг эътиборини тортиди. Бўлажак ҳунар эгалари ўз тенгқурларининг саволларига тўлиқ жавоб бериш баробарида ўз таасуротлари билан ҳам эркин ўртоқлашишга ҳаракат қилишди. Айниқса Тошкент менежмент ва технологиялар коллежи кўргазмалари иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотганининг гувоҳи бўлдик. Бунинг боиси албатта ўқувчилар томонидан тайёрланган ҳунар ишлари намойиши билан боғлиқдир. Ушбу коллежда офис ҳамда ишлаб чиқариш менежерлари, ахборот технологиялари соҳаси мутахассислари етиштирилади. Аммо етакчи йўналиш меҳмонхона иши ва рестороан бизнеси бўлиб, бу ерда жаҳон андозалари бўйича ошпазлик ва қандолатчиликка ўргатилади. Ўқувчилар томонидан махсус кўргазмага тайёрланган торт, турли хил бошқа ширинликлар, салатлар, муболагасиз, санъат асарлари даражасида безатилганини кўриб, бу ўқув юртида ҳаттоки хорихий мамлакатларда ҳам олқишларга сазовор бўлган ёш истеъдодлар кашф этилаётганини аниқлаб олдик. Иккинчи босқич ўқувчиси Озод Аминжонов яқинда Екатеринбург шаҳрида ўтказилган Евроосиё ошпазлар танловида иккинчи ўринни қўлга киритишга муваффақ бўлди. Эътиборли томони шундаки, ушбу қитъалардо танловда ўзбек йигити томонидан миллий таомларимизда анъанавий бўлмаган баланддан тайёрланган салат мутахассислар томонидан юқори баҳоланди. Озод Франция ва Англияда бўлиб ўтган танловларда ҳам сориндер бўлган.

— Дарҳақиқат, ҳаттоки таомни ҳам санъат даражасига етказиб тайёрлаш мумкин, — дейди Озод. — Албатта, таом тайёрлашда энг муҳими, бу таъм ҳисобланса, уни алоҳида ихлос билан безаш ҳам қизарки, ҳам машаққатли жараён. Истагим, ошпазлик ва қандолатчиликда ўрганган кўникмаларимни кўплаб давлатларда намойиш этиш ҳамда жаҳонда доврғ топган мутахассислардан тажриба орттиришидир. Мақсадга эришиш учун ҳали кўп нарсани ўрганишим ва олий ўқув юртида ўқишни давом эттиришим лозим. Кўргазмада тенгқурларим, ота-оналар ҳам таом орқали гўзаллик яратиш осонми, деган саволни кўп беришди. Жавобим битта — осон, агарда кишида истак ва сабр-қаноат бўлса.

Ёшларимизнинг бундай фикр юритишлари ҳам ҳайратга солади, ҳам ўйлантиради. Иштирокчиларнинг омадини берсин, бироқ у ёки бу касбни мукаммал эгаллашда истак ва сабр-қаноат каби муҳим хусусиятлар, назаримизда, камлик қилади. Албатта, тажриба ҳам зарур. Ҳар бир болада бошидан кўникма орттирилган бўлиши ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Айниқса, тил ўрганиш, математика, геометрия, бошқа аниқ фанлардан чуқур билим талаб этадиган мутахассисликлар ҳақида гап бораганда бу муҳимдир.

— Мен математикага ихтисослашган мактабни битирганим боисми, иқтисодиёти бўлиши орзу қилдим ва Тошкент Давлат иқтисодиёт университети қошидаги Чилонзор академик лицейига ўқишга кирдим, — дейди Нозима Ўктамова. — Бу ерда давлати молиялаштириш, ташқи иқтисодий алоқалар бўйича махсус фанлар иккинчи босқичдан ўқитила бошланади. Яхши иқтисодчи бўлиш учун бошқа соҳаларни ҳам ўрганиш керак деб ҳисоблайман. Агарда вақт борадида шундай имконият бўлганида, мен ижтимоий ва гуманитар йўналишдаги лицейларда ҳам бараварига тахсил олишга ҳаракат қилар эдим. Ҳозирча мустақил равишда бу йўналишдаги фанларни ўрганишни бошладим. Шунга ҳам амин бўлдимки, агарда вақтни тўғри тақсимлай ололсак, кўп нарсага улгуриш мумкин...

Бу — лицей ўқувчисининг фикри. Аммо танлаш олдиди турган кўпчилик ўғил-қизларимизнинг интилишлари бекиёс бўлсада, бироқ ҳали аниқ бир тўхтамага кела олмаганликларини ҳам ҳақиқатдир ва бунга кўргазма давомида яна бир қарра ишонч ҳосил қилдик. Шундай бўлсада, ёшларимиз касб танлар экан, ўз келажаги учун қандай танлов олдиди турганини аниқ тасаввур қилишлари лозим. Бу борада, катталар — ота-оналар, ўқитувчи устозлар, маҳаллакўй, ёш авлоднинг келажагига бефарқ бўлмаган ҳаммамиси кўмак ва таянч бўлмоғимиз даркор.

**Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА**  
**СУРАТЛАРДА: касб ва ҳунарлар фестивалидан лавҳалар.**  
**Ҳақимжон Солиқов олган суратлар**

### СЎЗ — КОНФЕРЕНЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Миср билан Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари ва халқларимиз ўртасидаги дўстлик ришталари мустаҳкамланиб бораётгани бизни гоят қувонтиради.

**Аҳмад Рашид МАЛИК, Исламобод Сиёсий тадқиқотлар институти эксперти, иқтисодчи (Покистон):**

— Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатида банк тизимида юзага келган муаммолар деярли барча мамлакатлар молиявий ҳолатини танг аҳволга солиб қўйди.

Иқтисодий барқарорликка эришишнинг энг тўғри йўлини танлаган Ўзбекистонда банк-молия тизимида узоқни кўзлаб амалга оширилган изчил ислохотлар самарасида юртингиз молиявий инқироздан жиддий зарар кўрмади. Ўзбекистон бу борадаги иқтисодий ислохотлар кўламини янада кенгайтиришига ишонаман. Боиси, банклар ҳар бир мамлакат иқтисодиётини кўллаб-қувватловчи ўзига ҳос кун томиридир. Давлатнинг иқтисодий барқарорлиги кўп жиҳатдан ушбу молиявий ташкилотларнинг фаолиятига боғлиқ.

**Сугил ЯНГ, Миллий стратегия институти президенти (Корея Республикаси):**

— Ўзбекистон ташқи дунё билан алоқаларни, жумладан, иқтисодий ҳамкорлиқни кенг кўлабда ривожлантириш йўлидан оғишмай бораётир. Ўзбекистоннинг юксак сиёсий нуфузи ва иқтисодий салоҳияти халқаро миқёсда кенг эътироф этилган.

Ўзбекистон қисқа давр ичиди дунё мамлакатлари орасида ўзининг муносиб ўрнини эгаллади. Мамлакатингиз барча соҳаларда изчил янгилашларни олиб бормоқда. Юртингизда Президент Ислам Каримов ташаббуси билан амалга оширилаётган кенг қамровли, изчил ислохотлар ўзининг самараларини бераётганига барча гувоҳ.

Ўзбекистоннинг энг катта ютуғи мамлакатдаги тинч ва осуда ҳаёт, барқарор ривожланаётган иқтисодиётдир. Бундай тинчликпарвар ва тараққийпарвар сиёсат келажақда янада кўплаб самаралар беришига ишонаман.

**Санжай Кумар ПАНДЕЙ, Жавахарлаъл Неру номидаги университет профессори (Хиндистон):**

— Анжуманда дунёнинг турли мамлакатларидан келган экспертлар ва олимлар билан иқтисодий инқирозни бартараф этиш юзасидан фикр-мулоҳаза алмашиш имконига эга бўлдик.

Ўзбекистонда қабул қилинган ва ҳаётга изчил татбиқ этилаётган босқичма-босқич ислохотлар — глобал-молиявий-иқтисодий бўҳрон шароитида яна бир бор ўзини оқлади. Ўзбекистон иқтисодий сиёсат юритиш борасида барчага ўрناк бўлмоқда.

Мамлакатингизда бошқа жабҳалар қатори устувор ҳисобланган таълим, фармацевтика, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, банк-молия каби кўплаб соҳаларнинг ривожига алоҳида эътибор қаратилаётгани эътиборлидир.

**Нодира МАНЗУРОВА, Ирода УМАРОВА, Мадина УМАРОВА**  
**ёзиб олди**

### ТАЪЛИМ СОҲАСИДАГИ ИСЛОХОТЛАР

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан «Таълим соҳасини ҳуқуқий тартибга солиш: муаммо ва ечимлар» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.**

Унда Вазирлар Маҳкамаси, Олий ва ўрта махсус таълим, Маданият ва спорт ишлари, Соғлиқни сақлаш, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги, Халқ таълими, Адлия вазирликлари, шунингдек Фанлар академияси, Бадий академия, Ўрта-мажсус, касб-хунар таълим маркази раҳбарлари ва масъул ходимлари иштирок этди, деб хабар беради «Туркистон-пресс».

Тадбирда мамлакатимиз таълим тизими жаҳон мезонларига тўла жавоб бериши алоҳида таъкидланди. Шу билан бирга тизимда ҳали ишга солинмаган имкониятлардан самарали фойдаланиш муҳим эканлиги қайд этилди. 2010 йил давлат буюм жўжетининг 34 фоизи таълим соҳасига йўналтирилиши белгиланган. «Баркамол авлод йили» Давлат дастурини амалга оширишга 8 триллион сўмдан ортиқ маблағ ажратилиши кўзда тутилган. Моҳиятан кенг қамровли бўлган мазкур ҳужжат барча таълим муассасалари моддий-техник негизини янада мустаҳкамлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Давра суҳбатида асосий эътибор таълим соҳаси ва ўқитиш жараёнининг ҳуқуқий асосларини тақомиллаштириш, ёшларга сифатли таълим-тарбия бериш ва бу борадаги мавжуд муаммолар ечимларига қаратилди. Таълим муассасаларининг дарслик ва ўқув кўлланмалари билан таъминланганлик даражаси, таълим жараёнига янги педагогик технологияларни кенг жалб этиш, устоз-мураббийларнинг ёш авлод тарбиясидаги масъулиятини ошириш, шунингдек таълим-тарбия тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

**Эргаш ХЎЖАЕВ**

# Маънавият — акъ кўзгуси.

## Жамғармаларда

### УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР УЛУҒЛАНАДИ

**Халқимизнинг асрлар давомида яратган маданий-маърифий меросини, умуминсоний қадриятлар ҳазинасига қўшган улкан ҳиссасини жаҳонга қайта танитиш, кишиларимиз, айниқса ёшлар онгида миллий ғурур, Ватанга муҳаббат ҳиссини уйғотиш, қобилиятли ёшларнинг ижодий камолотига ҳомийлик кўрсатиш мақсадида Халқаро «Олтин мерос» хайрия жамғармаси шаҳар бўлими қатор мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда самарали ишларни амалга ошириб келмоқда. Бу ҳақда жамғарма раиси Абдулазиз Мухаммадкаримов бизга қуйидагиларни гапириб берди.**



## Фан ЭНГ ЙИРИК ИЛМИЙ ЛАБОРАТОРИЯ

**Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институтида «Ҳаракатланувчи таркибдан фойдаланиш ва таъмирлаш» илмий лабораторияси ташкил этилди. Кенг қамровли тажрибаларни ўтказишга мўлжалланган ушбу марказ энг замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланди.**

Бу ерга ўрнатилган рельслар, унинг ўлчовларини синовчи, нуқсонли томонларини аниқлаб берувчи ускуналар, гилдирак амортизатори, вагон макетидан кўргазмали қуроллар сифатида кенг фойдаланиш мумкин.

Янги лаборатория туфайли ёш олимлар ўз тадқиқотларини амалиётда синаб кўриш учун темир йўл бўғинларига бормай туриб шу ернинг ўзида мақсадга эришадиган бўлди.

## ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК САМАРАЛАРИ

**Ривожлган хорижий мамлакатларнинг илмий ва олий таълим муассасалари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик Тошкент Ирригация ва мелиорация институти фаолиятида сезиларли ўрин тутмоқда. Бугунги кунда мазкур олий ўқув юртида хорижий илмий ташкилотлар ва муассасалар билан 15 дан ортиқ шартномалар асосида алоқалар йўлга қўйилган.**

Голландиянинг Вагенинген университети билан алоқада «Атроф-муҳит муҳофазаси» мутахассислиги бўйича магистратура ўз ишини бошлаган эди. Марказий Осиёда ягона бўлган ушбу таълим жараёнига 20 дан ортиқ талаба жалб қилиниб, уларнинг аксарияти ёш олимлар сафига қўшилди. Яна бир неча нафар магистрант Вагенинген университетида таълим олди. Улар Тошкент Ирригация ва мелиорация институти дипломи билан бир қаторда ҳамкор университет дипломи ҳам эга бўлди.

Бундай дипломнинг афзаллиги шундаки, унинг эгаси ўз мутахассислиги бўйича дунёнинг бошқа мамлакатларида ҳам ишлаши мумкин.

Иқтидорли ёшлар «Атроф-муҳитни баҳолаш ва мониторинг соҳасида малака ошириш» лойиҳаси асосида изланишлар олиб боришмоқда.

Нозима ХОЛИҚОВА

## АЛОҚАЛАР ДАВОМ ЭТАДИ

**Республика ахборот-ресурс марказида уштирилган халқаро китоб кўргазмасида кўпгина янги нашрлар намойиш қилинди. Россиянинг «Наука» нашриёти томонидан тақдим қилинган китоблар ҳам кўпчилик эътиборини ўзига тортди.**

Илмий ва амалий техникавий журналларнинг янги сонлари ҳам мутахассисларда катта қизиқиш уйғотди.

«Информация» компанияси томонидан тақдим қилинган монографиялар, илмий журналлар республика ахборот-ресурс марказига тўхта қилинди.

Келгусида ҳам «Наука» нашриёти билан ҳамкорликда халқаро илмий анжуманларни ташкил этиш кўзда тутилди.

Акбар АЛИЕВ

Республика турк миллий маданий маркази жамоаси марказ раиси ўринбосари Жумали Шабановга падари бузруквори

КОЗИМ отанинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардик билдиради.

«Олтин мерос» хайрия жамғармаси шаҳар бўлимининг асосий манзили Абулқосим мадрасаси биноси бўлганлиги боис барча тадбирлар, учрашувлар шу ерда бўлиб ўтади. Ушбу масканга ташриф буюрган ўқувчи ва талабалар шахримиз тарихини эшитиш билан бирга бу даргоҳда ўзбек романчилик мактабининг асосчиси Абдулла Қодирий, ўзбек дорилфунунининг асосчиси Мунавварқори Абдурашидхонов, драматург-шоир Ғулном Зафарий, дастлабки ўзбек профессорларидан бири Фитрат, шу мадрасада билим олган олим, адиб Сайид Абу Наср Форобийнинг ҳаёти ҳақидаги суҳбат ва маърузаларни ўта қизиқ билан тинглайдилар. Айтиш кераки, бу қадимий илм масканида унутилган санъат ва хунар турларини тик-

лаб, уларни ривожлантиришга кенг йўл очиб берилди. Энг муҳими, «Устоз-шогирд» мактабига асос солинди. Бу ерда турли соҳа усталари жамланганлиги туфайли рақобат бор. Рақобат бор жойда, илм савияси, истеъдод савияси юқори бўлади. «Йилнинг энг яхши расосими», «Йилнинг энг яхши устаси» каби номинациялар бўйича ўтказилган кўриктанловларда хунармандларимиз қатнашиб, совринли ўринларни эгаллаб келмоқдалар. Усталарнинг доимий кўргазмалари ҳам ташкил қилинган.

Жамғарма томонидан олиб борилган ишларни кўрган машҳур санъатшуносларимиздан бири «Бу ердаги муҳити буюк бобокалонимиз Бойсункур Мирзо асос солган нафис санъат академиясига ўхшатиш мумкин» деган эди.

Юртимизга келган хорижий меҳмонлар ҳам ташриф буюриб, хунармандларимизнинг ажайиб ижодий ишлари билан танишадилар. Уларга шахримиз тарихи ҳақидаги китоблардан совга сифатида тақдим қилиш билан бирга муқаддас қадамжоларимиз тўғрисида суҳбат ва маърузалар уюштирилади. Шунинг ҳам таъкидлаш кераки, жамғарма томонидан республика бошқармаси ва бошқа мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда Тошкентнинг 2200 йиллик юбилейига бағишланган учрашувлар, турли хил тадбирлар маҳалла, мактаб, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида мунтазам ташкил этилди. «Ўзбектаъмиршунослик» институти билан ҳамкорликда тўзилган «Тошкентнинг мудофаа деворлари, дарвозалари ва мезморий ёдгорликлари бўйича илмий-тадқиқот дастури» асосида ўтказилган ишлар ниҳоясига етказилди. 200 га яқин тарихий обидалар кўриб чиқилди ва уларнинг ҳозирги аҳоли тўғрисида матбуот саҳифаларида ёритиб бориш мақсад қилиб қўйилди.

«Тошкент» энциклопедиясининг янги нашрига 22 та йирик мақола тақдим қилинди. Шу билан бирга «Тошкентнома», «Тошкент бўйлаб топонимик саёхат»

китоблари нашр этилди. Германиядаги Ўзбекистон элчихонасининг таклифи билан Тошкентнинг 2200 йиллик юбилейига бағишлаб чиқарилган китобга зарурий маълумотлар тайёрлаб берилди.

Шуниси эътиборлики, жамғарма томонидан нашрга тайёрланган «Тошкентнома» китобининг иккинчи тўлдирилган нашри ўзбек ва инглиз тилларида чоп этилди. Унда Тошкент ҳудудида яшаган аждодларимизнинг фаолияти, даҳа ва маҳаллалар, жой номлари тарихи ва ўтмиш обидалари ҳақидаги маълумотлар берилганлиги мутахассислар томонидан ижобий баҳоланди. Мазкур китоб мактаблар учун қўшимча адабиёт сифатида фойдаланишга тавсия этилди. Телевидение орқали берилган кўрсатувлар асосида ўқувчилар ва талабаларга мўлжалланган икки қисмли дисклар тайёрланди.

Бизнинг асосий вазирамиз буюк аждодларимизнинг асрлар давомида яратган бағоз маданий-маърифий меросини кўз қорачиқидек асраш, уларни авлодларга етказишдир.

Дилором ИКРОМОВА  
Ўзиб олди  
СУРАТДА: жамғарма  
фаолиятидан лавҳа

## Навоийни ўрганамиз

### «УМР ГУЛШАНИНИНГ БАҲОРИ...»

Алишер Навоий сиймосига, унинг асарларига таважжуҳ тобора ортиб бормоқда. Президентимиз: «Исон қалбининг қувончу қайғусини, эзгулиги ва ҳаёт мазмунини Навоийдек теран ифода этган шоир жаҳон адабиёти тарихида кам топилмади. Она тилига муҳаббат, унинг беқиёс бойлиги ва буюклигини англаш туйғуси ҳам бизнинг онгу шууримиз, юрагимизда аввало Навоий асарлари билан кириб келади. Биз бу бебаҳо меросдан халқимизни, айниқса ёшларимизни қанчалик кўп баҳраманд этсак, миллий маънавиятимизни юксалтиришда, жамиятимизда энг инсоний фазилатларни камол топтиришда зунчалик қудратли қуролга эга бўламиз», — дея ўқидирадилар.

Ёшларимиз Навоий асарларини, унинг қаҳрамонларини, гўзал газал, рубойларини билишлари керак. Шоир ёшларга алоҳида эътибор берган. Уларга панду насихатлар қилган, илм, касб-хунар ўрганишга ёшлиқдан киришиш лозимлигини таъкидлаган.

Навоий ёшлиқни «умр гулшанининг баҳори, ҳаёт шабистони (кечасининг наҳори... (тонги) инсоният гўзаллиги ундан, башарият тобу тавонлиги (пухталиги ва қудрати) ундан» деб ёзган.

Башариятнинг нималарга қодирлиги, нималардан сақланиши, рад этиши ёшларга боғлиқ.

Илм, хунарни эгаллаш ҳақида Навоий кўп ёзган. «Илм — кўнгул уйини бир жаҳонга айлантиради... Кўнгуллик истасанг касби камол эт».

Тил ўрганиш, она тилини мукаммал билиш ҳам шоирнинг диққат-марказида турган. Зероки, тил башариятни ўтмиш ва замон билан боғловчи воситадир.

Навоий ёшлиқдан сўзга эътибор қилишни зарур деб билади: **Сўздурки нишон берур улукка жондин, Сўздурки берур жонга хабар жонондин. Инсонни сўз айлади жудо ҳайводин, Билким, гўҳари шарафрок йўқ андин.**

Сўзлар маъноли бўлиб, қисқа баён этилса маъқул, дейди шоир.

**Хар кимсаки, сўз демак шийориди дурур, Маъни гули нутқининг баҳориди дурур. Сўзким, десун улки, ихтиёриди эрур, Сўз яхшилиги чу ихтиёрида дурур.**

Навоий достонларидаги шахзодаларга алоҳида фасллар ажратгани асос-эътибори билан ёшларга панду насиҳатларидур. Шоир «Фарҳод ва Ширин»да Шоҳ Ғариб Мирзога илм-фан соҳасида тарҳ, ҳикмат, тибб, фикҳга, ҳадисларни, дин илмини билишни маслаҳат кўради.

**Қаю фанким, шуруъ этмаклик анда Кишидин яхши от қолғай жаҳонда... Кўшлик истасанг касби камол эт, Камол ар касб этарсен, бемалол эт.**

Навоийнинг барча қаҳрамонлари ёшлиқдан одоб-ҳаёли, камтар, меҳнатқаш бўлганлари маълум. Қайсининг мактабдаги палласи. Фарҳоднинг илмдан ташқари тош йўниш хунарини ўргангани, Ширин атрофидаги ҳар соҳа билимларини эгаллаган канизақларини ёдга олайлик.

Бадиуззамон валиаҳд бўлгани учун унга ўзаро низо-лар, фитналардан огоҳ бўлишни, мамлакатни обод, халқни осуда кўришга интилиш ота эмизда бўлиш зарурлигини ўқидиради.

Навоий яна дейдики: **Шоҳки, иш адл ила бунёд этар, Адл бузук мулкни обод этар.**

Шоир ўз укаси Дарвеш Алига ҳам «Садди Исқандарий» достонига алоҳида фасл ажратади ва унда тўғри йўлдан озмаслик, раъيات ҳолидан доим хабардор бўлиб туриш, адолатли бўлишни, хизматни яхши адо этишни насиҳат қилади. Фитналарга берилмаслик, кўполлик қилмаслик, мактубларни мулоҳима қилиб ёзишни ўқидиради.

Суййма ФАНИЕВА

**Қадимда, ҳали тиббиёт соҳасида сунъий дори-дармонлар бўлмаган вақтда, табиий гиёҳлар инсонлар дардида дармон бўлган. Нафақат гиёҳлар, балки сув, тупроқ, қум, тош ва шунга ўхшаш табиий жинсларнинг шифобахш хусусиятларидан ҳам унумли фойдаланилган. Масалан, Шахрисабзда Мирзо Уллубек томонидан қурдирилган Доруттиловат мажмуаси ҳовлиси устида кичик чуқурча бўлган каттақон кўкшоҳ ҳозир ҳам бор.**

## ДИЁРИМНИНГ ШИФОБАХШ ШАМОЛИ

Ўша чуқурчага сув қўйиб ичилса, кўк йўталга даво бўларкан. Айримлар ҳозир ҳам шу оддий амални қўллаб, дардида шифо топадилар. Ана шундай табиат мўъжизаларидан яна бири — бу шифобахш шамол, шабаддадур. Хар гал ушбу мўъжизага дуч келсак, хайратимиз ангинаверадим...

Хизмат сафари билан қўна ва гўзал Шахрисабзда бўлганимизда, аниҳанага кўра, Ҳазрат Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг ҳайкали ва Оқсарой зиратига чоғландик. Ёз фасли, бунинг устига пешин вақти бўлганлиги учун ҳаво анча иссиқ эди. Лекин Оқсаройга яқинлашган сайин ёқимли бир шамол юзингизга урилиб, сийпалайдиди. Улкан пештоқ оралиғида шамол янада кучаяди. Рохатбахш майин шабада қаердан эсяпти? Узингизни енгил ҳис этасиз. Бунинг сабабини ўша ердаги

отақонлардан сўрадик. Айтишларича, бу ерда ҳамма вақт шундай ёқимли шамол эсиб турар экан. Бунинг тарихи ҳам қизик. Соҳибқирон Амир Темур даврларида, ҳали Оқсарой қурилишидан аввал, бу ерга осилган мол ва қўй гўштлири узоқ вақт бузимасдан сақланган. Табибларнинг шифобахш амаллари айнан шу ерда хасталарга яхши эм бўлар экан. Чунки бу жойда ўзига хос микроклимат мавжуд бўлиб, ҳатто шамол ҳам шифобахш хусусиятга эга. Шахрисабзлик шифокорлар Оқсарой пештоқлари орасида эсаётган майин шабада гаймарит, йирингли яралар, асаб ва бошқа бир қанча касалликларнинг тузалишини тезлаштириш ҳақида хайратомуз далилларни айтиб беришди.

Ўйлаб қолсан киши: она тупроғимиз шу қадар хосиятли, бобола-

римизнинг хар бир иши ва сўзлари ҳикматли! Ахир, улғу Соҳибқирон бобомиз Оқсарой пештоқига: «Агар куч-қудратимизга шубҳангиз бўлса, биз қурдирган иморатларга боқинг», деб беҳижга ёздирмаганлар. Бу куч-қудратни бизга она тупроқ, ҳатто унда эсувчи шабадалар ҳам беради!

Шахрисабзга йўлингиз тўшса, албатта Оқсаройга келиб, шифобахш шамолдан тўйиб-тўйиб нафас олинг. Шунда унинг шифобахшлигига амин бўласиз. Танангизга куч-қувват тўлаётгани, мия тиниқлашиб, эзгу туйғулар пайдо бўлишини албатта ҳис этасиз!

Жаҳонгир МУХТОРОВ,  
Азизбек СОАТОВ  
Олий ҳарбий  
божона институти  
тингловчилари

## Муносабат

### ЯХШИ СЎЗ — ЖОН ОЗИФИ

**Тарбиянинг кўп турлари мавжуд — ақлий, маънавий-маърифий, касб-хунар ва меҳнат тарбияси... Ёшларимиз онгига тарбияни сўз ёрдамида сингдиришга ҳаракат қиламиз. Шундай экан, биз ҳам хар бир сўзимизга эътиборли бўлишимиз, маълум бир маънода нотиклик санъатини эгаллашимиз лозим. Нотиклик — бу оҳангдан либос кийиб, талаффуз билан жилоланган сўз санъатидир.**

Инсоннинг яратилиш тарихи ҳам сўздан бошланади. Одам Ато билгувчи, кўргувчи, эшитгувчи, фикрлагувчи, сўзлагувчи қилиб яралган. Умар Ҳайём «Мен, ақл баркамоллиги нуқтаи назаридан қараганимда, сўздан мўътабарроқ ва қалбимдан буюроқ ҳеч нарса топмадим. Бир неъмат борки, бу сўз ва сўзлаш неъматидур».

Биз бугун кўриб турган бутун борлиқ ҳиссиёт ва туйғуларимиз орқали тасаввур этаётганимиз барча-барчасини сўз орқали ифода этаемиз.

Инсониятни маълукот олаמידан ажратиб турган ҳам шу сўз бўлади. Инсонга фикрини ижро этиш учун сезги органларидан бири сифатида тил берилган. Ақл эса инсон ихтиёрига қолдирилган.

Сўз шундай қудратли кучдирки, унинг кучидан билиб фойдаланиш зарур. Агар билмасдан фойдаланилса, жуда кўп фалокатларга олиб келади.

Тилини халқ яратди, нутқни эса хар бир шахсининг ўзи яратди, деган гап бор. Ҳақиқатан ҳам, тил ижодкорлари томонидан бирор-бир янги сўз яратилса, шу сўз халқнинг тилида оммалашсагина, луғатимизга кириб келиши мумкин. Тилимизда мавжуд бўлган сўзлардан барча бирдай фойдаланиш имкониятига эга. Сўзлардан қандай тартибда фойдаланиш эса инсоннинг сўз бойлигига, дунёқарашига боғлиқ. Бир оғизгина сўзимиз билан инсонга умид бахш этишимиз, бир оғизгина сўзимиз билан инсонни ҳаётдан кўз юмишига сабабчи бўлиб қолишимиз мумкин. Шу ўринда бир ривоятни келтириб ўтсам: Бир табиб беморни даволаш учун илон излаб топди. Йўлда келаятиб, илон тилга қиради: «Сен мени ўлдириб, захрим билан бир одамнинг ҳаётини сақлаб қолмоқчи бўлясан, тўғрими?»

Табиб тўғри, дебди. «Энди қулоқ сол, дебди илон. Бекор қилсан, бемор меннинг захрим билан тугалмайди. Агар биз чаққанимизда тўзалар эди, уни дўсти чаққан. Одамнинг захрини илоннинг захри йўқ қила олмайдим. Биласанми, биз шундай совуқ қилиб яратилганмиз, қўл-оёқ ҳам берилмаган. Аммо

биз, илонлар, бир-биримизни чақмаймиз. Сиз, инсонларга эса ақлга қўшиб, бутун борлиқ берилган. Шунга ҳам ношукрчилик қилиб, бир-бирларингизни чақасизлар». Бу насларни эшитган табиб илонни ўлдирмай қўйиб юборибди. Ҳақиқатан ҳам беморни ўз дўсти чаққан экан, ҳеч қандай дори қор қилмай, оламдан ўтибди. Тиши билан чаққан деб ўйланган, заҳар-зақум гаплар билан чақиб бошига етган.

Ширин муомалада бўлиш ҳам катта санъат. Одамзоддан қоладиган энг улғу мерос — битта яхши ва ширин сўздур. Инсонни ўрганиш қийин, унинг қалбига йўл топиш ҳам қийин. Ҳаттоки табобатда «шундай хасталар бўладими, уларни фақат сўз билан даволамоқ зарур», дейди Абу Али ибн Сино.

Инсон тарбиясида ҳам сўзининг аҳамияти катта. Жамият тараққиётида инсон ҳаётидаги эришиладиган барча ютуқларнинг асосини тил ташкил этади. Баркамол инсонни тарбиялашда ёшларимизга яхши-ёмонни сўз орқали ҳаётини мисоллар, ҳадислар, ривоятлар, ҳикматлар воситасида хушмуомалалик билан етказиб берсак, уларнинг кўпроқ таъсир этади. Сўзларимизни, албатта, уларнинг қайфиятини, эҳсини, жинсини, характер хусусиятларини аҳамиятга олган ҳолда етказиб беришимиз ва унга ўзимиз ҳам амал қилишимиз талаб этилади.

Сўзимнинг яқинида файласуф Суқротнинг бир фикрини келтирмакчиман: Суқротнинг рафиқаси Ксантилла ўта уришқоқ бўлган. Шогирдлари устозидан бу аёлга қандай чидайсиз, деб сўраганида: «Хотиним менга одамлар билан тил топишига ёрдам беради, айнан у туфайли ҳамма одамлар менга меҳрибонроқ ва ширинсўзроқ бўлиб тугуяди», деган экан.

Ёшларимизни тарбиялашда уларни ибратли инсонлардан ўрнак олишга қақриш билан биргаликда, ҳаёт йўлларида дуч келадиган нисбий маънодаги ёмон одамлардан ҳам ўрнак олишга, одобсизлардан одоб ўрганишга ўргатиб беришимиз лозим.

Дилдора ҲАКИМОВА,  
Шайхонтоҳур тиббиёт коллежи ўқитувчиси

## Спорт янгиликлари

## КАТНАШЧИЛАР САРАЛАНДИ

Ёшларнинг жисмонан соғлом, бақувват ва ҳар томонлама етук бўлиб вояга етишида спортнинг ўрни беқиёс. Шунинг учун ҳам юртимизда спортни ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Ўсиб келаётган ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, спортга меҳр уйғотиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш борасида турли спорт мусобақалари мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда. Хусусан, «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» спорт ўйинлари янги-янги иқтидорлар, чемпионлар ва спорт юлдузларини кашф этмоқда.

Талабаларнинг «Универсиада-2010» баҳслари бошланишига ҳам оз фурсат қолди. Андижон вилоятида бўлиб ўтадиган мазкур беллашувларга барча олий ўқув юртида катта тайёргарлик кўрилмоқда.

Ўзбекистон Миллий университетида ҳам биринчи босқич универсиада мусобақалари ўтказилиб, терма жа-

моа ташкил этилди ва шаҳар олий ўқув юртида ўтказилган 2-босқичида ҳам нуфузли ўринни банд этди. «Универсиада — 2010» мусобақасида Ўзбекистон Миллий университетидан 17 та спортчи иштирок этиши маълум бўлди. Улар орасида Мисрда футбол бўйича ёшлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионати катнашчи Владимир Солуюков, ўтган йили Вьетнамда шахмат бўйича ўтказилган Осиё чемпионатида учинчи ўринни эгаллаган Нодира Нодиржанова пойтахт шарафини ҳимоя қилишди.

Ҳозирда университет спорт мажмуасида катнашчилар мураббийлар кўмаги остида

мунтазам равишда машғуллар олиб бормоқда. Фикримизнинг тасдиғи сифатида машқ бажараётганлардан бирини суҳбатга қорладиқ.

— Мен спортнинг гандбол тури спорт устасиман деди иқтисодиёт факультети талабаси Дониёр Абдурахмонов. Мураббийимиз Лайла Халикова бизга нисбатан каттиққўл ва талабчан. Машғуллар асосан дарсдан кейин ҳафтада 3-4 марта олиб борилади. Бизга барча кулайликлар яратилган. Бу эса бўлажак мусобақаларда галабани таъминловчи омил бўлиши шубҳасиз.

Дониёр каби ёшларнинг ҳар бирининг қалбида бугун шу ўй. Биз уларга омад тилаймиз.

Ўлмас БАРАТОВ,  
ЎЗМУ талабаси

## КЕЧА

«Пахтакор» марказий стадионига йиғилган минглаб мухлислар Осиё чемпионлар лигаси турнирининг «Пахтакор» — «Ал-Айн» (БАА) жамоалари ўртасидаги гуруҳ баҳсининг гувоҳи бўлишди.

## «ПАХТАКОР» ЯНА ГУРУҲДА ПЕШҚАДАМ

Шуни таъкидлаш жоизки, пахтакорчилар «Ал-Айн» жамоасини сафарда ҳам мағлуб этишганди. Аммо араблар майдонга галаба иштиёқида тушганликларини намоиш этишди. Учрашув ҳужумкор ва шиддатли тарзда кечди. Биринчи бўлимнинг иккинчи дақиқасидаёқ жамоадорлар бошлаган ҳужумни Валиви самарали яқунлаб меҳмонларни ҳисобда олдинга олиб чиқди. Ана шу гол мезбонларга каттик таъсир қилди чоғи, энди меҳмонлар дарвозаси томон шиддатли ҳужумлар кетма-кет уюштирилди. Айтиш жоизки, шу кунни Одил Аҳмедов ўзи-

нинг ҳақиқий етакчи эканлигини исботлади. У рақиблар дарвозасини уч марта аниқ нишонга ола билди. Агар Сукунов меҳмонлар ҳужумини қайтараман деб ўз дарвозасига гол киритиб қўймаганида учрашув тошкентликларнинг йирик ҳисобдаги галабаси билан яқунланиши ҳам мумкин эди. Қолган дақиқаларда томонлар дарвозаларга кўплаб чиройли комбинациялар, ҳужумлар уюштирилса-да, 3:2 ҳисоби ўйин охиригача ўзгармади ва «Пахтакор» 9 очко жамғариб яна гуруҳда пешқадам бўлиб олди.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ

## ЛОНДОН ОЛИМПИАДАСИНИ КЎЗЛАБ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 5 январда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси спортчиларининг 2012 йил Лондон шаҳри (Буюк Британия) да бўлиб ўтадиган XXX ёзги Олимпиада ва XIV Паралимпиада ўйинларида иштирок этишга тайёргарлиги тўғрисида»ги қарорини таъминлаш юзасидан кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.



## ҚИЗГИН ТАЙЁРГАРЛИК КЕТМОҚДА

Жорий йилнинг 21-25 май кунлари Люксембургда «Спешал Олимпикс» дастури доирасида гимнастика кўпкураши бўйича Евроосиё мусобақалари бўлиб ўтади.

Таъкидлаш жоизки, ушбу мусобақалар натижаларига кўра голиб чиққан спортчиларга 2011 йил Афинада бўлиб ўтадиган йирик халқаро мусобақаларга лицензия берилди.

Ҳозирда Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтида Манзура Раимова, Кристина Ефремова, Раҳима Маҳаммадова, Александра Мусина каби бир гуруҳ спортчиларимиз Люксембургда ўтказиладиган мусобақа-

ларга қизгин тайёргарлик кўрмоқда. Тажрибали мураббий Константин Аллеко уларга брусья, таяниб сакраш, эркин машқлар каби гимнастика кўпкураши баҳсларидан пухта сабоқ бермоқда.

(Ўз муҳбиримиз)  
СУРАТДА: спортчиларимиз турнирга тайёргарлик кўришмоқда.

Алексей Попов олган сурат

Олимпиадага тайёргарлик бўйича уч босқичли дастур асосида бокс мураббийлари ва мутахассислари миллий терма жамоамизга муносиб спортчиларни саралаш олиш ва уларнинг маҳоратини ошириш борасида фаол иш олиб бормоқда. Бунда уларга боксчиларимизнинг халқаро мусобақаларда кўлга киритаётган ютуқлари кўл келмоқда.

Финляндиянинг Хельсинки шаҳрида йиғирмага яқин мамлакат боксчилари иштирокида ўтказилган халқаро турнирда ҳамюртларимиз икки олтин, икки кумуш ва

битта бронза медални кўлга киритди. Икки карра жаҳон чемпиони Аббос Атоев яна мухлису мутахассисларимизни ҳушнуд этди. У дастлабки жангда мезбонлар вакили Максим Киискинни муддатидан олдин мағлуб этди, ярим финалда кучли рақиб — россиялик Артём Чебатарёвдан 11:2 ҳисобида устун келди. Ҳал қилувчи учрашувда ирландиялик Эамон О'Канени муддатидан олдин енгган А.Атоев шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Халқаро ҳаваскор боксчилар уюшмаси (AIBA) президенти ку-

боги мусобақаси голиби Орзубек Шоимов ҳам барча жанглари ўз фойдасига ҳал қилди. Кучли техника, мустаҳкам ҳимоя ва тезкор зарбага эга боксчимиз Финляндиялик Ваэл Алхаганини иккинчи раундда яққол устунлик билан енгган бўлса, болгариялик Детелин Далакиевдан 1:0 ҳисобида устун келди. Орзубек финалда россиялик Зафар Парпиевни 20:4 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Хельсинкидаги халқаро турнирда финалга чиққан Хуршид Тожибоев ва Ўқтамжон Раҳмонов кумуш, Санжар Раҳмонов эса

бронза медал билан тақдирланди.

Туркиянинг Анкара шаҳрида ўтган халқаро мусобақада муносиб катнашган истеъдодли боксчиларимиздан Шохроҳ Хўжабеков ва Шухрат Абдуллаев иккитадан жангда галаба қозониб, бронза медалга сазовор бўлди. Хитойнинг Гуйяан шаҳридаги «China Open» халқаро турнирида рингга чиққан Алишер Маҳмудов ва Камолддин Аҳмедов ҳам мағлубиятга учинчи поғонасидан жой олди.

Зохир  
ТОШХЎЖАЕВ,  
ЎЗА шарҳловчиси

## БАРКАМОЛЛИК ГАРОВИ

Шайхонтоҳур туманидаги «Ёшлик» спорт мажмуасида мактаб ўқувчилари ўртасида акробатика бўйича Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиали соврини учун мусобақа бўлиб ўтди.

Мусобақада махсус спорт мактаблари ва болалар спорт мажмуалари тарбияланувчилари — 100 нафардан ортиқ ўғил ва қиз акробатиканинг яккалик, жуфтлик, жамоавий ва

лар мактаблари ўқувчиларига насиб этди.

Жуфтлик ва аралаш йўналишларида 4-ва 10-болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари тарбияланувчилари голиб бўлишди.

Ўғил ва қиз болалар жамоавий беллашувларида 10-ва 14-болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари ўқувчилари биринчилиكنи кўлга киритди.

Ақбар ЖИЯНОВ,  
«Туркистон-пресс»

## БИРИНЧИ ИЗ

Дала йўлидан келаётган шошалоқ йўловчи беда экилган пайкалга қараб бир дам тўхтади. Сўнг шайтон вазвасасига учиб, таваккал дея, бедазорнинг қок ўртасидан тез-тез юриб кетди. Тезроқ манзил кучди.

Ортидан қолган сийрак изчалар иккинчи йўловчинини ўзига қорлайди: — Эгам мард экан. Қўрқмай биринчи бўлиб, шу йўлни очди-я. Биз баҳона сени ҳеч ким айбдор қилолмас. Дадилланиб ўтавер...

Жабборқулга жон битди, дегандек иккинчи йўловчи сийрак изларни тўлдирди бошлади.

Дала йўлидаги кексароқ йўловчи эса бе-

дазорнинг ўртасига етган ўша ёшни кўриб хафа: «Эндигина ниш урган бедани босиб, увологи қолган бетамизнинг изини кўпайтирганнинг ортиқча бўлди-да».

Кекса, бўлар иш бўпти, ёш-яланглар сира тап-тортмай шу йўлдан ўтаверди. Энди барибир. Мен ҳам шу йўлдан ўтаверай, деса бўларди. Қалбидаги иймони эса бунга кўндаланг: «Ортнинг ризкига оёқ босма. Оллоҳдан қўрқ» дейди.

Бедалар озуқа, сувга қониб, тиззага уради. Ўша кексароқ йўловчи яна дала йўлидан одимларкан, қалби бетоқат, бир нарсани сезгандек бедапоёга разм солади. Кимдир бир боғ беда ўриб эшагига ўнгради. Ҳўв, бели оғриманган, ташлаб кет бедани...

— Ё тавба, — дейди қулогига чалинган бу луқмадан кекса, — бир боғ бедага шунчалик шовқин-сурон. Бедапояннинг ўртасидан биринчи бўлиб йўл очган — юзлаб боғ-боғ бедаларга зомин бўлган гуноҳдорни эса ҳеч ким ҳаёлига келтирмайди.

Фани АБДУЛЛАЕВ

## Қатрлар

## КЎПНИНГ КУЧИ

Эгалларда буй ҳўзаётган жўхорилар хиёл ел турса, бекасам тўнникидек йўл-йўл баргларини уйлатиб рақса тушишади.

Улардан бири пайкалдан четроқда ўсаётган бир тул жўхоридан безовта:

— Қўрқмай бир ўзинг қандоқ яшаялсан. Қилчалик бир ҳамқоринг йўқ. Кўчлироқ шамол эсса...

— Чўчимайман, — деди у, — гўнгли, кўчли жойда ўсапман. Уругим бошда шу ерни ёқтирган. Буй-бастимни қара, сенларникидан зўр.

— Нима ҳам дердим. Майли, омон бўлсанг бас.

Оч бўридек увиллаб шамол эсди бир кун. Пайкалдаги жўхорилар аҳилликда бири-бирига суяниб, шамолдан зиён кўришмади. Якка жўхори-чи, илдишларидан ўпирилиб ерга ёнбошлади.

## ҚИСМАТ

Жийда дарахтининг юқори шохи пастки-сига мактанди:

— Қандай бахтлиман. Кўёш нурига аввал мен тўяман. Меваларимни қара, қип-қизил, маржондек. Мазази ҳам шунга яраша. Сеники эса офтоб кўрмаганидан хом, нордон.

Бу камситишдан пастки шох хафа бўлди. Бир кун ширага тўлган меваларини қўтаролмай қолган юқори шох қарсиллаб пастки шохнинг устига тушди.

— Қўрқманг. Танангиз бутоқдан узилганча йўқ. Сизни кўтариб тураман, — далда берди унга камтарин шох.

Бош муҳаррир  
Ақмал АКРОМОВ

Манзилми: 100029,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32

## ТЕЛЕФОНЛАР:

Эълолар: 233-28-95,  
236-57-65. факс: (371) 232-11-39.  
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба  
ва жума кунлари чиқади.  
Нашр кўрсаткичи — 563

ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар  
Матбуот ва ахборот  
бошқармасида 02-1-рақам  
билан рўйхатта олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ,  
офсет усулида босилади.  
3973 нусxada босилди.  
Қўғоз бичими А-2



## МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БЎСТОНИ ИЛМ ҲАҚИДА

Эй биродар, илм икки қисмдур,  
Бири монанд садафдур,  
— бириси дур.

Бири пўст, бириси мағздур ҳама,  
Бири касб, бири кашфидур ҳама.

Илм агар кашфий эрур ноёбдур,  
Бахралар олгон бу йўл арбобдур.

Ҳотами мулки Сулаймондур илм,  
Жумла олам суврату жондур илм.

Илмнинг юз минг туман осори бор,  
Камтарин осорининг анвори бор.

Нурким, ул илмнинг нури бақо,  
Тонурса ул илм нуридин лиқо.

Дониши бўлғойки, асли сар эрур,  
Ҳамчу фаръи аслига раҳбар эрур.

Жони жумла илмлардур  
ҳамчунин,  
Билсаларким, ўзни тонгла  
явми дин.

Билса ҳар ким илмидин юз  
минг румуз,  
Билмаса ўз нафсини золим ҳануз.

Қил йироқ ўзингдин ҳар  
фазли фузул,  
Токи раҳматлар санга қилгай нузул.

Эдилар бул бори илмидин йироқ,  
Бори илми гўйиё бир пўсти қоқ.

Қилса ким пиндор таҳсил илмидин,  
Бўлғусидур ул имом ул-фосиқин.

Илм жоҳу мансабу молу хазон,  
Тиғи фитна илкида бадгавҳарон.

Бадғўхарлар на тамиз бардош этар,  
Чохни ул жоҳ деб пиндош этар.

Ҳар фасоду фитналар андин чиқар,  
Аксари ҳар олими диндин чиқар.

Қавмига таълим шаб-рўз,  
субҳу шом,  
Макри фитна, ҳийла,  
тазвири давом.

Бир неча илмини ул ҳамраҳ қилур,  
Бўлса қанча омини гумраҳ қилур.

Ушбуларким, шўху ширин кордур,  
Соҳиру сайёду ҳам маккордур.

Ҳар бирининг юз туман саночи бор,  
Ҳар саночда баҳри истидрожи бор.

Олим эрмасдурки, ул афсун қилур,  
Ботини ҳақ сорни кўру кар эрур.

Бўлса кимда зарраи пиндордин,  
Бул йироқ албатта ул мурдордин.

Эй биродар, жон аро пандимни ол,  
Илми касбий, қоли кашфий,  
илми ҳол.

Илм агар касбий эрур  
ул илми наҳв,  
Илм агар кашфий эрур ул илм маҳв.

(Давоми бор)

Маҳмуд ҲАСАНИЙ ва  
Мавжуда РАЗЗОҚОВА  
тайёрлаган



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР  
ҲОКИМЛИГИ